

Шукрулло ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Имом Мотуридий халқаро илмий-
тадқиқот маркази илмий ходими

МУҲАММАД ИБН ҲАСАН ШАЙБОНИЙ АСАРЛАРИДА “ХУДУД” ТУШУНЧАСИНИНГ ЎРИТИЛИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ

ОСВЯЩЕНИЕ И СВОЕОБРАЗНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОНЯТИЯ «ТЕРРИТОРИЯ» В ТРУДАХ МУХАММАДА ИБН ХАСАН ШАЙБАНИ

THE EXPLANATION AND DISTINCTIVE INTERPRETATION OF THE CONCEPT “TERRITORY” IN THE WORKS OF MUHAMMAD IBN HASAN SHAYBANI

Аннотация: Исломдаги халқаро муносабатларда “ҳудуд” масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли асрлар давомида фақиҳлар ҳудуд масаласи бўйича кўплаб асарлар ёзганлар. Хусусан, буюк фақиҳ имом Муҳаммад Шайбоний ўзининг “ас-Сияр ал-кабир” ва “ас-Сияр ас-сағир” номли асарларида исломда ҳудуд масаласини атрофлича тадқиқ этган.

Ушбу мақолада Муҳаммад Шайбоний илмий асарларида ҳудуд тушунчасининг ўритилиши баён этилган. Жумладан, у “ас-Сияр ал-кабир” асарида “дорул ислом”, “дорул ҳарб” ва “дорул аҳд” каби тушунчаларни батафсил тушунтириб берган. Шунингдек, ҳудудларнинг таснифи бўйича бошқа мазҳаб вакиллариининг фикрлари ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: ислом халқаро ҳуқуқи, халқаро муносабатлар, сияр, сунна, фикҳ, дорул ислом, дорул ҳарб, дорул аҳд, мазҳаб, ақида, ахлоқ, аҳд.

Аннотация: Вопрос «территория» (худуд) имеет большое значение в международных отношениях в исламе. По этой причине на протяжении веков мусульманскими правоведомы были написаны ряд трудов по этой теме. В частности, великий факих Имам Мухаммад Шайбани в своих трудах «ас-Сияр аль-кабир» и «ас-Сияр ас-сагир» подробно изучал вопрос территории в исламе.

В данной статье дается объяснение к понятию «территория» в научных трудах Мухаммада Шайбани. В частности, он подробно объяснил такие понятия, как «дар аль-ислам», «дар аль-харб» и «дар ас-сулх» в своем произведении «ас-Сияр аль-кабир». В статье также представлены взгляды других мазхабов ислама на классификацию «территория».

Ключевые слова: международное исламское право, международные отношения, сияр, сунна, фикх, дар аль-ислам, дар аль-харб, дар аль-ахд, мазхаб, вероучение, мораль, соглашение.

Annotation: The issue of “hudud” (territory) has of great importance in international relations in Islam. For this reason, over the centuries, Muslim jurists have written many works on this topic. In particular, the great jurist Imam Muhammad Shaybani, in his writings “al-Siyar al-kabir” and “al-Siyar al-saghir”, studied the issue of hudud in Islam in detail.

This article gives the explanation of the concept of “hudud” in the scientific works of Muhammad Shaybani. In particular, he explained such concepts as “dar al-Islam”, “dar al-harb” and “dar al-sulh” in his work “al-Siyar al-kabir”. The article also presents the views of other sects of Islam on the classification of “hudud”.

Keywords: international islamic law, international relations, siyar, sunnah, fiqh, dar al-Islam, dar al-harb, dar al-ahd, madhhab, creed, morality, agreement.

КИРИШ

Тарихидан маълумки, пайғамбарлар муайян давр ва миллат ёки қабила учун хослаб юборилган. Яъни ҳар бир пайғамбар ўзини қайси қабила учун юборилгани ҳақида хабар берган ҳамда унинг рисолати кейинги пайғамбар келгунича давом этган. Ислом дини эса сўнги самовий дин эканини эълон қилиб, қиёматгача келадиган барча миллатлар ва турли жамиятларни ҳидоят йўлига бошлашини маълум қилди. Бирок, ислом шарияти ва унинг қоидаларини дунёнинг ҳамма жойларида бирдек қабул қилинмагани ва турли ҳудуддаги инсонларнинг динга муносабати турлича эканидан келиб чиқиб, ислом ҳуқуқшунослари давлатларни муйаян тоифаларга ажратганлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фикҳий асарларда дунёнинг ҳудудлари давлатчилик нуқтаи назардан икки хил диёр (дор)га ажратиб ўрганилган. Унга кўра:

Биринчиси, мусулмонлар учун хавфсиз бўлган ва ислом қоидалари устунлиги

таъминланган “дорул ислом” (ислом диёри) худудлари.

Иккинчиси, мусулмонлар ҳаётига хавф-хатар мавжуд бўлган ва ислом таълимотларига зид ишлар олиб борилувчи “дорул ҳарб” (уруш диёри) худудлари.

Шунга кўра, ислом фикҳида “дор” тушунаси замонавий қонунчиликда ва халқаро муносабатлардаги давлат элементини ташкил этувчи худудга нисбатан ишлатилади. Бу борада Ибн Обидин айтади: “Дор – диёр деганда мусулмонлар раҳбарининг давлатларни бўйсундириши билан боғлиқ бўлган худуд тушунилади. Бунда турар жой, яъни яшаш манзили назарда тутилмайди” [1:166].

Халқаро муносабатларга доир бу каби тушунчалар ҳақида ҳанафий мазҳабининг етук намоёниси Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир” ва “ас-Сияр ас-сағир” асарларида батафсил маълумотлар берилган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний бу соҳада китоб ёзишга киришганида, Абдуррахмон Авзойи, Абу Юсуф каби забардаст олимларнинг халқаро муносабатларга доир асарлари маълум эди. Аммо Муҳаммад Шайбоний ислом халқаро муносабатларига доир масалаларни дақиқ жиҳатларигача атрофлича тадқиқ этишга муваффақ бўлди. Халқаро муносабатларга доир масалаларни батафсил ўрганиш айнан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга насиб этди. Таъбир жоиз бўлса, имом Шофеъийнинг усул ул-фикҳдаги ўрни каби Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам сияр илмида юксак мақомга эга дейиш мумкин [2:25].

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ислом халқаро муносабатларига оид икки асар муаллифи ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳанафий мазҳабида мўътабар саналган “Зоҳир арривоя” туркумига киради. “Ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” китобларида ислом халқаро муносабатлари атрофлича баён қилинган ҳамда миллатлар ва динлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилгани учун бу асарлар нафақат мусулмон дунёсида, балки европалик ҳуқуқшунослар томонидан ҳам қадрланади.

Муҳаммад Шайбонийнинг ислом халқаро муносабатлари ривожига муҳим ҳиссаларидан бири унинг худуд тушунчаси, яъни давлатларнинг мақоми, мусулмонлар билан муносабатини кенгроқ талқин этганидир.

Юқорида таъкидланганидек, дастлаб ислом халқаро ҳуқуқига кўра дунёнинг икки худудий қисмга “дорул ислом” ва “дорул ҳарб”га бўлиниши қабул қилинган эди. “Дорул ислом” бу ислом ҳукмлари зоҳир бўлган худудлар [3:201]. Имом Муҳаммаднинг фикрича, “дорул ислом” мусулмонлар ихтиёридаги юрт бўлиб, ундаги мусулмонлар ҳар қандай хавф-хатардан холи бўладилар. Бундай худудда истиқомат қилаётган барча аҳоли, хусусан, мусулмонлар ёки ўзга дин вакиллари (зиммийлар) ўзаро тенг ҳисобланади.

“Дорул ҳарб” эса куфр ҳукмлари амал қиладиган худудлар ҳисобланган. Фикҳий китобларда “дорул ислом”га доир ҳукмлар берилгани каби “дорул ҳарб”нинг ҳам ҳуқуқий мақоми, мусулмон диёри билан бўладиган муносабатлари, шунингдек, ҳарб диёрининг ислом диёри мақомига ўтиш шартлари баён этилган. Хусусан, Сарахсий томонидан ёзилган Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир” шарҳида “дорул ҳарб”нинг уч ҳолатда “дорул ислом”га айланиши ҳақида сўз юритилган. Бу ҳолатлар қуйидагилар:

Биринчидан – “дорул ҳарб” аҳлининг “дорул ислом”да истиқомат қилиши. Бу ҳақида Сарахсий шундай дейди: “Бир шаҳар аҳолиси “дорул ҳарб” аҳли қаторида бўлса-ю, улар исломни қабул қилиб, ўз шаҳарларида истиқомат қилсалар, уларнинг шаҳри ислом диёрига айланган бўлади” [4:250]. Шунингдек, “Агар мушриклар мусулмонларни мағлуб қилсалар, кейинчалик мусулмонлар шаҳарларини яна қайтариб олиб, ўша жойни ўзлари учун макон қилсалар ҳамда мушриклар худуддан қочиб кетишган бўлса, бундай макон ислом диёри ҳисобланади. Чунки мусулмонлар унда ўз ҳукмронлигини ўрнатишган бўлади ва шу асосда “дорул ҳарб” “дорул ислом”га айланади [5:137].

Иккинчидан – “дорул ҳарб” мамлакатларини забт этиш ва уларда ислом қоидаларини ўрнатиш орқали ислом диёрига айланади.

“Ас-Сияр ал-кабир” шарҳида айтилишича, агар мусулмонлар душман еридан бир худудни қўлга киритган бўлса ва бу худуддан мушриклар қочиб кетишса, унда исломнинг қоидалари пайдо бўлиши билан у ислом диёрига айланади. Шу қоидага асосланиб, Сарахсий таъкидлайдики, агар мусулмонлар бирор мамлакатни эгалласалар, аммо бу

худудда ислом қоидалари қўлланилмаса, у “дорул ислом”га айланмайди [6:250].

Шунингдек, “дорул ҳарб”га мансуб ғайридинларининг ҳумронлиги ҳар томонлама ундан узилмагунча, бу диёр “дорул ислом”га айланмайди, чунки бундай вазиятда мусулмонларга хавф-хатар сақланиб қолади. “Дорул ҳарб”да мусулмонлар ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатиш орқали бу худуд ислом диёрига айланади ва унда яшовчи мушриқлар эса зимма аҳлига айланади. Шунга асосланиб фақиҳлар айтадиларки, худуднинг “дорул ислом” бўлиши учун, гарчи унинг аҳолиси ғайридин бўлсалар ҳам ислом қоидалари амалда бўлиши талаб этилади.

Бу масалада фақиҳлар ислом арконлари билан боғлиқ қоидаларга мусулмонларнинг эркин амал қилиши ҳамда диннинг фарз ва вожибларини амалга оширишга ўзгаларнинг тўсқинлик қилмаслиги ҳал қилувчи жиҳатлардан эканини айтиб ўтишган. Бундан ташқари, ғайридинлар ҳукмронлиги узилмагунчадан мурод, улар томонидан мусулмонларнинг ҳаётига хавф-хатар қутилмаслигига эътибор қаратилган. Фақиҳлар бу масалада ўрта асрларда ғайридинлар бошқарувидаги ўлкаларда мусулмонлар ҳаётига очикдан очик хавфнинг мавжудлигидан келиб чиққан бўлишлари мумкин.

Учинчидан – гарчи ғайридинлар давлатда ҳукмронлик қилсалар ҳам, шу худудда яшовчи мусулмонлар исломнинг хавфсизлиги билан омонда бўлишлари юртни “дорул ислом”га айланишига сабаб бўлади.

Бу борада имом Муҳаммад шундай дейди: “Зиммий аҳоли ўртадаги сулҳни бузиб, мусулмонларга қарши уруш қилсалар ва уларнинг шаҳарларини босиб олиб, ўша шаҳарда зиммийлар ўз ҳукмини жорий қилсалар, лекин у ерда бир гуруҳ мусулмонлар омонликда бўлса, юрт “дорул ҳарб” бўлиб қолмайди. Сиз кўрмайсизми, ундаги мусулмонлар олдингидек хавфсиз ва бу “дорул ислом”нинг асосий аломатларидандир” [7:471].

Шу қоидадан келиб чиққан ҳолда Сарахсий айтадики, “мусулмонлар хавфсиз бўлмаган жой “дорул ҳарб”нинг бир қисмидир, чунки “дорул ислом” мусулмонлар назорати остидаги жойнинг номи. “Дорул ислом”нинг белгиси мусулмонларнинг унда хавфсиз ва омонда бўлишидир” [8:93].

Бу бўйича кўплаб фақиҳлар томонидан билдирилган бошқа таърифларда ҳам имом Муҳаммаднинг фикрига яқин ёндашувларни кузатиш мумкин. Жумладан, ҳанафий мазҳабининг забардаст фақиҳларидан бўлган юртдошимиз Косоний “бизнинг ҳанафий асҳобларимиз орасида, ислом ҳукмларининг пайдо бўлиши билан, “дорул куфр” “дорул ислом”га айланиши борасида ҳеч қандай баҳс йўқ” деган фикрни билдирган [9:4374].

Зоҳидий айтадики, “дорул ислом – бу мусулмонлар устун бўлган ва уларнинг ҳаёти хавфсиз бўлган макон”. Ҳаким Шаҳид буни “ал-Кофий” деб номланган китобида “мамлакатда мусулмонлар раҳбарининг ҳукмронлиги нима бўлишидан қатъий назар мусулмонлар омонда бўлган юрт дорул ислом ҳисобланади” деб таърифлаган [10:634]. Бундан кўринадики, мусулмон раҳбарнинг ҳукм олиб боришида ислом қоидаларини тўлиқ татбиқ қилмаса ҳам давлатда мусулмонлар эмин-эркин ва хавф-хатарсиз бўлсалар бундай юртни ҳам “дорул ислом” деб аташ мумкин бўлади.

Бироқ моликий мазҳаби вакилларининг наздида, “дорул ислом” мусулмонларнинг ҳукмлари жорий бўладиган юртдир [11:103]. Бу масалада улар шариат қоидаларининг тўлиқ устуворлигини талаб этишган.

Шофийлар эса бу масалада моликийларга қараганда ҳам кўпроқ шартларни қўйганлар. Унга кўра, мусулмон инсон бирор кўрикчи ва қўллаб-қувватловсиз ҳамда ҳеч қандай солиқ тўламасдан халқни исломга эркин даъват қилиш имконининг мавжудлиги, шунингдек, мамлакатда зиммийлар мавжуд бўлса, мусулмонларнинг сўзи улардан устун бўлиши ҳамда аҳли бидъатнинг аҳли суннат устидан раҳбар бўлмаслиги юртнинг “дорул ислом” дейиш учун кифоя қилади [12:270].

Ҳанбалийлар ҳам ислом юртини шундай таърифлаганлар, хусусан, Абу Яъло “Ислом юрти бу ҳар бир уйда куфр ҳукмлари эмас, балки ислом ҳукмлари устун келишидир”, деган [13:276]. Ибн Қайюм Жавзийнинг фикрича, ислом кириб борганида, халқи динни қабул қилган худудлар ислом юртига айланди. Ислом диёри – бу мусулмонлар қўним топган ва ислом ҳукмлари унга татбиқ қилинган жойдир. Агар мусулмончилик қоидаларига амал қилинмаганида, у ислом диёри бўла олмасди.

Шунингдек яқин ўтмишда яшаб ўтган фақиҳлардан Абдулқодир Ўда, шундай дейди:

“дорул ислом” ислом қоидалари пайдо бўлган ёки мусулмонлар ислом қоидаларини намоён қила оладиган мамлакатларни ўз ичига олади [14:275]. Замонавий ислом ҳуқуқшуносларидан ҳисобланган шайх Муҳаммад Абу Заҳранинг фикрича, “дорул ислом” – бу мусулмонларнинг ҳокимияти билан бошқариладиган ва мусулмонлар учун ҳимоя ва куч бўлган давлат ҳисобланади [15:53].

Бу масалада кенгроқ фикр билдирган айрим фақиҳларнинг қарашларига кўра, агар мусулмонлар ўзга дин вакиллариининг ёмонлигидан сақланишга қодир бўлса бундай ҳудуд “дорул ислом”га айланади. Яна бир фикрга кўра, мамлакат аҳолиси ислом арконларини ўзганинг таҳдидисиз бажара олса, бундай юрт ислом диёри ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний халқаро муносабаталар масаласида ҳудудга оид юқоридаги қарашларни янада кенгайтди. У ўз асарларида “дор улаҳд”га тўхталади ва бу тушунча ҳақида ёзган илк фақиҳ ҳисобланади [16:330]. Муҳаммад Шайбонийга кўра, мусулмонлар билан тинчлик асосида яшаш бўйича шартнома тузган мамлакатларнинг ҳудудлари “дорул аҳд”га айланади. “Дорул ислом”, “дорул ҳарб” ва “дорул аҳд”ларни замонавий халқаро муносабатлардаги давлат ҳудудлари билан ҳам солиштириш мумкин. “Дорул ислом” – мусулмон мамлакатлари ҳудуди бўлса, “дорул ҳарб” эътиқоди сабабли мусулмонларни қатл этувчи ёки мусулмонлар ҳаёти учун очикдан очик хавф-хатар мавжуд бўлган уруш ҳолатидаги давлат ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида мусулмонлар яшаши ва ўз эътиқодини очик намоён қилиш учун шароитлар мавжуд. Шу билан бирга, 2016 йилда Мьянмада кузатилган рохинджа мусулмонларига қарши айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда мусулмонлар эътиқоди сабабли қатл этилгани йўқ.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдириб кетиш мақсадга мувофиқ бўларди. Маълумки, бугунги кунда дунёнинг кўплаб ҳудудларида дин ниқоби остида фаолият юритувчи турли оқимлар мавжуд. Бундай оқимлар Марказий Осиё минтақасида ҳам фаол ҳаракат олиб боришга интилмоқда. Улар ўзларининг бузғунчилик ҳаракатларини “дорул ислом” ва “дорул ҳарб” ҳақидаги

ислом дини кўрсатмаларини нотўғри талқин этиш билан оқлашга интилишмоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон ҳам “дорул ҳарб” диёри ҳисобланади, чунки, ҳукумат ўз эътиқодини намоён қилаётган мусулмонларга нисбатан муайян жазо чораларини белгиламоқда. Шу сабабли, мусулмонлар “дорул ислом” бўлган ҳудудларга ҳижрат қилиши зарур, деган асоссиз гап-сўзларни тарқатишмоқда.

Ваҳоланки, ҳозирда Ўзбекистонда аҳолининг 94 фоизига яқин қисмини ташкил этувчи мусулмонлар ўз эътиқодларини очик-ошкора намоён қилиб, динларига эмин-эркин амал қилмоқдалар. Аҳолининг динига амал қилгани ёки динга мансублигини ошкора билдиргани учун уларга нисбатан бирор тазйиқ ёки жавобгарлик белгилангани йўқ. Аксинча, давлат аҳолининг диний ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишида кўмак бермоқда. Хусусан, ислом динининг икки муқаддас байрами “Ийд ал-Фитр” ва “Ийд ал-Адҳо” байрамлари расман дам олиш куни сифатида қонунчиликка киритилган. Ҳатто, сўнги 3-4 йилликда Президент фармонлари билан ҳайит байрамларига қўшимча дам олиш кунлари ҳам қўшиб берилди [17]. Муборак Рамазон ойини кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича ҳар йили давлат раҳбарининг махсус фармони қабул қилинади. Мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган Рамазон ойи давомида республика марказий ва маҳаллий телерадиоканалларида ҳар куни дин уламоларининг чиқишлари ҳамда диний-маърифий кўрсатувлар мунтазам бериб борилади. 2091 та жомеъ масжидларда азон овозлари янграб, мусулмонлар эминликда ибодатларини бажармоқда [18]. Ҳар йили 10 мингга яқин фуқаронинг муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига зиёратга бориб, ҳаж ибодатларини амалга оширишларида ҳукумат кўмакчи бўлмоқда.

Шунингдек, аҳолининг диний билимларини оширишлари учун ўндан ортиқ махсус диний таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг диний эҳтиёжидан келиб чиқиб, Қуръони каримни тажвид асосида ўргатиш махсус курслари ташкил қилинди. Масжидларда имом-хатиблар томонидан ислом дини арконларига тўғри амал қилиш бўйича мунтазам даъватлар амалга оширилмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқларда уламолар томонидан аҳолининг диний саводхонлигини

ошириш ва динга тўғри амал қилишларига кўмаклашаш мақсадида тизимли диний-маърифий дарслар бериб борилмоқда. Диний-маърифий мазмундаги минглаб китоблар ўзбек тилида нашр этилиб, очик расталарда эркин сотилмоқда. Мусулмонлар учун бу каби имкониятлар яратилган ҳудудни “дорул ҳарб” дейиш мантиқий жиҳатдан ҳам асоссиз ва албатта, ислом кўрсатмаларига ҳам хилофдир.

Оқим вакилларининг даъвосига кўра, динга амал қилганлик учун мусулмонларга қамоқ ёки бошқа турдаги жазолар берилмоқда. Шубҳасиз, бу фикр хато ва тўхматдан бошқа нарса эмас. Чунки, жавобгарлик белгиланган шахслар мусулмон бўлгани ёки диний амалларни бажарганлик учун эмас, балки қонунчиликда тақиқланган, жамоат хавфсизлиги ва конституцион тузумга хилоф хатти-ҳаркатларни бажарганлик учун жавобгарликка тортилишган. Бундай қоидалар нафақат Ўзбекистонда, балки Саудия Арабистони подшоҳлиги, Покистон ислом республикаси, Миср араб республикаси каби барча мусулмон давлатлари қонунчилигида ҳам белгиланган. Улар айтганидек, динга амал қилганлик учун жавобгарлик мажуд бўлганида ҳукумат юртимиздаги миллионлаб мусулмонларга нисбатан ҳам муайян жазолар берган бўлар эди. Шундай экан, “дорул ислом” ва “дорул ҳарб” тушунчалари ҳақидаги ислом дини кўрсатмаларини тўғри англаб етиш бугунги кунда тинчликни асрашда долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний шу икки тушунчага муқобил тарзда “Дорул аҳд” деб номланган янги атамани ислом халқаро муносабатларига киритди. Маълумки, давлатларни тан олиш халқаро майдонга янги субъектнинг чиқишини англатади. Муҳаммад Шайбонийнинг “дорул ҳарб”, яъни тан олинмаган ҳамда хавф-хатар эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудлар билан шартнома тузиш орқали уларнинг “дорул аҳд”га айланиши борасидаги фикрлари ислом халқаро муносабатларидаги ўзига хос содда бўлсада, тан олиш институтининг вужудга келишига асос бўлганини айтиш керак. Ўз навбатида, Муҳаммад Шайбоний томонидан халқаро муносабатларга “дорул аҳд” тушунчасининг киритилиши ислом дини вакиллари билан тинчлик шартномаларига эга бўлган ғайридин ўлкалар ўртасида кузатилиши мумкин бўлган

беҳуда жанг ва низоларни олдини олиб, турли дин вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликка асос вазифасини ўтади. Бу эса тинчликни асрашдаги муҳим қадам саналади.

Шундай қилиб, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан сўнг ислом халқаро муносабатларида ҳудудлар уч турга таснифланадиган бўлди. Асримиз олимларидан бўлган доктор Муҳаммад Саййид Дасуқийга кўра, ҳудудларнинг уч турга бўлиниши шаръий эмас балки, воқеъий асосларга таянади [16:326]. Унинг фикрича, шариат нуқтаи назаридан ислом бутун дунё аҳлига қаратилган даъват ҳисобланади. Яъни, муайян ҳудуд билан чеклаб қўйиш тўғри эмас. Лекин буни давлатларнинг ғоявий қарашлари, аҳолисининг диний эътиқодини ҳисобга олмай олиб борилиши уруш ва низоли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Шу жиҳатни ҳисобга олганда Муҳаммад Шайбонийнинг воқеъликдан келиб чиқиб, ҳудудлар борасида янги турнинг моҳиятини асослаб бериши мусулмон ўлкаларининг ўзга дин вакиллари кўпчиликлари ташкил қилуви давлатлар билан тинчлик асосидаги муносабатларини қарор топишида муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридаги маълумотлар, шубҳасиз, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг халқаро ҳуқуқдаги ўрни юқорилигидан дарак беради. Шу сабабли ҳам кўплаб муаллифлар унинг ислом халқаро ҳуқуқидаги ўрни бекиёс бўлганини қайтақайта эътироф этганлар. Масалан, Дасуқийга кўра, Муҳаммад ибн Ҳасан уруш ва тинчлик вақтидаги мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга оид батафсил китоб ёзган ягона фақиҳ ва исломда халқаро ҳуқуқ фикрини илгари сурган илк олим ҳисобланади [16:325]. Доктор Муҳаммад Афифи халқаро ҳуқуқнинг асоси бўлган асарлар сифатида Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир”ларини эътироф этиб, у (яъни, Шайбоний) голландиялик ҳуқуқшунос Гуго Гроцийдан (вафоти 1245 йил ҳижрий) ва инглиз ҳуқуқшуноси Ричард Зёчдан 8 аср олдин яшаган ҳамда халқаро муносабатларга доир масалаларни ўз асарларида ёритиб берган”, деб таъкидлайди [19:23]. Доктор Усмон Жумаъ Замирия ҳам “ас-Сияр ал-кабир”ни халқаро оммамавий ва хусусий ҳуқуққа оид илк китоб дейди [20:20]. Баъзи замонани олимларига

караганда, Гроций “ас-Сияр ал-кабир” асарини ўқиган ва халқаро муносабатларга оид тамойилларни ишлаб чиқишда мазкур китобдан таъсирланган бўлиши мумкин [16:343]. Нима бўлишидан қатъи назар, Шайбоний фикҳий қоидаларга асосланиб халқаро муносабатларга оид тушунчаларни изоҳлаб, уларни шарҳлаб берган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг ислом халқаро ҳуқуқи тушунчаларини ўрганиш ва ривожлантиришдаги ўрни юксак бўлган ва бу нафақат ислом олами балки, халқаро микёсда эътироф этилган. Жумладан, 1932 йилда Францияда халқаро ҳуқуқ соҳасидаги “Шайбоний” жамияти тузилгани, албатта, бежиз эмас. Бошқа бир манбада айтилишча, Германиянинг Готингем шаҳрида ҳам 1955 йилда “Халқаро ҳуқуқ бўйича Шайбоний жамияти” ташкил этилган ва мисрлик ҳуқуқшунос доктор Абдулҳамид Бадавий унинг илк раиси этиб сайланган эди. Ушбу муассаса Шайбонийни ўрганиш, унинг фикрларини юзага чиқариш ва халқаро муносабатларга оид китобларини нашр қилиш билан шуғулланади.

Фақиҳлар томонидан халқаро муносабатларнинг муҳим қисми саналган ҳудуд тушунасининг тасниф этилиши, айниқса, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “дорул аҳд” тушунчасини истеъмомлга киритиши турли дин ва миллатлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни қарор топишида муҳим аҳамият касб этган. Ўз навбатида, бугунги кунда ислом халқаро муносабатларидаги ҳудудлар билан боғлиқ масалаларда фикҳий тушунчалар моҳиятини тўғри англаб етиш жамиятда диний бағрикенглик ришталарини қарор топиши ва тинчликни мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Ибн Обидин “Хошиятун ибн Обидин”, 4-жуз. Дамашк: Дор ас-сакофа ва турос, 2000.-Б.166
- Anke Iman Bouzenita. The Siyar — An Islamic Law Of Nations? / Asian Journal of Social Science 35 (2007) 19–46. P. 25.
- Мавсуаътил фикҳия. 20-жуз.— АлКувайт: “Визарат алавкаф ва ашшуъун алисламийя”, 1990 йил. Б. 201.
- Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-Сияр ал-кабир. 1-жуз. Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”, 1997. Б. 250
- Абул Ҳасан ал-Мовардий. Ал-Аҳкам ас-султония. Кувейт: Мактабатул дор ал ибн Қутайба, 2014.- Б.137
- Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-Сияр ал-кабир. 4-жуз. Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”, 1997. Б. 250
- Муҳаммад Шайбоний “Ал-Асл”, 7-жуз. Байрут: Дор ибн Ҳазм, 2012.— Б.471
- Муҳаммад Сарахсий “Мабсут”, Ж.10. — Байрут: Дар ал-маъриф, 1986. — Б.93
- Абу Бакр ибн Масъуд алКосоний Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. Ж.9. — Қоҳира: Закарийе Али Юсуф нашриёти, (нашр йили кўрсатилмаган). — Б. 4374
- Алауддин ал-Хаскафий. “Дурул мунтакий шарҳ ал-Мултакий”. Ж.1. Қоҳира: Дор ат-Тибаъти ва нашр. 1327 х. — Б. 634
- Ибн Рушд. “Ал-муқадиматул мумаҳада”. Ж.2. Байрут: Дар ал-Ғарб ал-исламий. 1988.— Б.103
- Имом Абу Мансур Бағдодий. “Усулуд дин”. — Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1928. — Б. 270
- Абу Яъло. “Ал-Муътамад фи усуд ад-дин”. Байрут: Дор ал-Машрик. 1974. — Б.276.
- Абдулқодир Ўда. Ат-Ташриу ал-жиноий ал-исломий . — Ж. 1. — Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий (нашр йили кўрсатилмаган). — Б.275
- Муҳаммад Абу Заҳра. ал-Аълақоту ад-дувалий фил ислам. Қоҳира. Дар ал-фикр ал-арабий. 1995. —Б.53
- Дасукий М. Ал-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбаний ва асаруху фил фикҳил ислам.— Доҳа: “Дор ассақофа”, 1987. Б. 330.
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2021 й., 06/21/6222/0446
- <http://old.muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/27005>
- Афифи Муҳаммад Содик. Ал-Аълақату ад-дувалия фил ислам. Қоҳира: Мактабатул Хонжий, 1977. Б. 23.
- Усмон Жума Замирия. Ал-Муоҳадот ад-дувалия фи фикҳ ал-имом Ибн Ҳасан аш-Шайбоний. — Макка: Робита ал-олам ал-исломий, 1417 х. — Б. 20.